

## Хужжат имзоланган:

сана:2022.05.10 10:18:29  
серия раками: 7791af10  
компания:ЧП ZEBU-ZAR-SAYQAL  
стир: 302208814  
фиш: ХУСЕНОВ ШЕРЗОД  
email: 

сана:2022.05.10 10:19:16  
серия раками: 77925e40  
Компания:КО`Р XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY TA` MIRLASH HAMDA  
стир: 307909444  
фиш: РУЗИЕВ ЗАФАР  
email: 



11ECD0209B5AA34681D71E0008000075  
электрон хужжат идентификатори

### пудрат Шартнома №37

Карши шахар  
(шартнома тузиш жойи)

10.05.2022  
(шартнома тузиш сана)

"ZEBU-ZAR-SAYQAL" ХК (бундан буён - "Бажарувчи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор **Ш.Хусенов**, бир томондан, ва ""КО`Р XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY TA` MIRLASH HAMDA" (бундан буён - "Буюртмачи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор **З.Рузиев**, иккинчи томондан, биргаликда "Тарафлар", алоҳида эса "Тараф" деб аталувчилар мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар:

#### 1. Камаши тумани обод МФЙ 1а За уйлар атрофига хохатхона куриш ва бетон йулак урнатиш

Ушбу шартномага биноан, Мижоз тўлайди ва қабул қиласи ва Ижрочи қўйидаги шартлар асосида товарларни (хизматларни) етказиб беради:

№	Маҳсулот номи (хизматлар)	Товар (хизмат)лар Ягона электрон милий каталоги бўйича идентификация коди ва номи	Товар/хизмат штрих коди	Улчов бирлиги	Микдори	Нарх	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб баҳоси ҚҚС билан
								ставка	сумма	
1	Работы по строительству и реконструкции других сооружений #44332900 #	10001999001000000 - Услуга по строительству зданий и сооружений		сум	1.00	120 869 565.22	120 869 565.22	15 %	18 130 434.78	139 000 000.00
	Жами						120 869 565.22		18 130 434.78	139 000 000.00

Шартноманинг умумий миқдори Бир юз ўттиз тўққиз миллион сум 00 тийин (сумма сўзлар билан),  
(139 000 000.00)

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома Камаши тумани обод МФЙ 1а За уйлар атрофига хохатхона куриш ва бетон йулак урнатиш Объектида курилиш ва таъмиглаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома энг яхши таклифини аниклашкомиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 139 000 000 сўмни ташкил этади.

3. Курилишнинг шартномавий нархларини ўзгаришиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимидаги назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳамда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидаги 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 45 кунда топшириш;
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- курилиш майдони худудида вактнчалик иншоотлар куриш;  
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи Пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи Пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;  
- Курилиш таваккалчилигини суурта қилиш.  
6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой мuddатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактнчалик бинолардан бўшатиш; курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш; курилиш жараёнида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.  
7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.  
8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:  
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини, объект курилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;  
- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофик Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;  
- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;  
- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофик Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;  
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида Пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;  
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;  
10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида тенг улушларга (30 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказади, бу 41 700 000 сўмни ташкил этади.  
12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)  
13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.  
14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида амалга оширилади.

VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.  
16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларида мувофиклигини текширади.  
17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз таниши ҳуқуқига эгадир.  
18. Пудратчи Техник назоратчи ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.  
19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишида ташкил этади.  
20. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.  
21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тұғрисидеги далолатнома имзоланған кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бүйіча ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка)учун Пудратчига геодезия нұкталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нұкталары, линиялар ва даражаларга нисбатан объекттинг тұғры ва зарур тарзда белгилениши, шунингдек баландлик белгилари үлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тұғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида үрнатиласидиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлади, ишларни бажариш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактінча улашни ва улаш нұкталарыда янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан курилишда күлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килишини бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равиша хабардор килади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқбўл қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларыда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтариға ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиiddий таъсир қымайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қыматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугалланғунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтarda бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланниши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тұғрисидеги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтarda Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VII. Ишларини кўриклаш

34. Пудратчи объекттинг Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тұсылган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада таъминлайди.

35. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект кабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

VIII. Енгіб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажариласлиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгіб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгіб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал

қылган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.  
37. Агар енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда  
Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар  
кўрилишини мухокама Киладилар.  
38. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор  
қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

39. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган  
белгиланган тартибида мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар  
тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб  
олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.  
40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан  
олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул килиб олинади.  
41. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур  
шартноманинг IV булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха  
ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган  
ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишида тасдиқлаши керак.  
42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. Кафолатлар

43. Пудратчи:  
- барча ишлар тўлиқхажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;  
- лойиҳа хужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган  
барча ишларни сифатини;  
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи  
буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларига давлат  
стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;  
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниклangan камчиликлар ва  
нуқсонларни ўз вактида бартараф қилиб олиш кафолатларига қилиниши; объектдан фойдаланганда мұхандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига  
мувофиқлигини кафолатлайди.  
44. Объект ва унга кирадиган мұхандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва  
ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги  
далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Кафолат муддати камида 12  
оїзтиб белгиланади.  
45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартараф этилгунга қадар  
фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати  
нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан  
бартараф этилади.  
46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама  
далолатномаларида кайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини  
далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V  
булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчинидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.  
47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош  
торган тақдирда, ушбу масала Тошкент иқтисодий судида кўриб чиқилади.

XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:  
- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра  
Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;  
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан  
ортиқ муддатга кечиктирилганхолда,  
- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;  
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг  
сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш  
ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи:  
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан  
ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;  
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш  
ҳуқуқига эга.

50. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш  
объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади. Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига

тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ундириш хуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддатда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Карши шаҳар иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгаририш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобулишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.  
73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳукуй кучга киради.

## **2. Томонларни юридик манзиллари ва реквизитлари**

<b>Ижрочи</b>	<b>Буюртмачи</b>
<b>Номи:</b> "ZEBU-ZAR-SAYQAL" KK	<b>Номи:</b> "KO'P XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY TA'MIRLASH HAMDA
<b>Манзил:</b>	<b>Манзил:</b> AMIR TEMUR KO'CHASI, 74-UY
<b>Телефон:</b> 998919484700	<b>Телефон:</b>
<b>Факс:</b>	<b>Факс:</b>
<b>СТИР:</b> 302208814	<b>СТИР:</b> 307909444
<b>ОКЭД:</b> 25120	<b>ОКЭД:</b> 41202
<b>X/P:</b> 20208000704960679001	<b>X/P:</b> 100021860104017069902110004
<b>Банк:</b> КАРШИ Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ	<b>Банк:</b> ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗИ
<b>МФО:</b> 00190	<b>МФО:</b> 00014

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Колексини "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида"ги Конунинг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини хуқукий экспертизадан ўтказиш

Буюртмани раҳбарни:

З.Рузинев

Пудратчи раҳбарни:

Ш.Хасанов

Юридик хизмат  
қўрасанувочи:

томонидан тузилгаётган 20.22 йил "10 май" 32 -сон шартнома, умумий суммаси 139 000 000 бирюз ўзиг очимдоз миллион) сўм килиб белгилавган шартнома лойиҳаси тозасидан.

### ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Колексини "Хўжалик юритуви субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида"ги конуни на болка конун хужжаглари асосида хукукий экспертиза килиб, ушбу курилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан хам давлат рўйхатидан ўтгандигини ва мазкур шартномани имзолаш хукукнiga эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов кобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг конунчилик хужжатларига мос келингилтигини аникладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Хукукиунос (Буюртмани ташкилот):

М.У.

10 май 2022 йил